

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА  
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА МУТАХАССИС  
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**РАДЖИЕВ АЮБХОН БАХТИЁРХОНОВИЧ**

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА РАҲБАР ХОДИМЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ БОШҚАРИШ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ  
(умумтаълим мактаб директорлари мисолида)**

**13.00.07 – Таълимда менежмент**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on  
Pedagogical Sciences**

**Раджиев Аюбхон Бахтиёрхонович**

Халқ таълими тизимида раҳбар ходимларни қайта тайёрлаш ва  
малакасини оширишни бошқариш самарадорлигини ошириш  
(умумтаълим мактаб директорлари мисолида) ..... 3

**Раджиев Аюбхон Бахтиёрхонович**

Повышение эффективности управления переподготовкой и  
повышением квалификации руководящих работников в системе  
народного образования (на примере директоров общеобразовательных  
школ) ..... 30

**Radjiyev Ayubkhon Bakhtiyorkhonovich**

Improving the efficiency of management of retraining and  
in-service training of executives in the public education system (on the  
example of directors of secondary schools) ..... 56

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 60

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА  
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА МУТАХАССИС  
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**РАДЖИЕВ АЮБХОН БАХТИЁРХОНОВИЧ**

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА РАҲБАР ХОДИМЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ БОШҚАРИШ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ  
(умумтаълим мактаб директорлари мисолида)**

**13.00.07 – Таълимда менежмент**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Ped1870 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация А.Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.avloniy.uz](http://www.avloniy.uz)) ҳамда "Ziyonet" Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Пахрутдинов Шукриддин Илясович**  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ташкенбаев Улугбек Негматович**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Ибраймов Аскар Есбосынович**  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент ахборот технологиялари университети**

Диссертация химояси Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳузуридаги PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «18» НОЯБР соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 64-уй. Тел.: (99871) 150-01-27; Web-site: [www.avloniy.uz](http://www.avloniy.uz); E-mail: [avloniy@xtv.uz](mailto:avloniy@xtv.uz).)

Диссертация билан Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (11 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 64-уй. Тел.: (99871) 150-01-27; E-xat: [mtm-malaka.oshirish@exat.uz](mailto:mtm-malaka.oshirish@exat.uz)).

Диссертация автореферати 2020 йил «06» НОЯБР куни тарқатилди.  
(2020 йил «06» НОЯБР даги 1 рақамли реестр баённомаси).



**Қ.Т.Олимов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Д.О.Химматалиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, п.ф.д., профессор

**М.Юлдашев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда глобаллашув жараёни чуқурлашаётган, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт юқори технологиялар ва рақамли иқтисодиётга шиддат билан асосланиб бораётган шароитда умумий ўрта таълим сифатини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳонда қарор топаётган янги – билимга асосланган иқтисодиёт (knowledge based economy) таълим тизимига, жумладан умумий ўрта таълими тизимига янги талабларни қўймоқда. Бу ўз навбатида соҳа ходимларининг, биринчи навбатда раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни мунтазам ташкил қилишни тақазо этиб, мазкур йўналишда мақсадли ва самарали чора-тадбирлар амалга оширишни талаб этади.

Жаҳонда умумий ўрта таълим сифатини таъминлашда педагог ва раҳбар ходимларнинг тайёргарлик даражаси ва бошқарув самарадорлигини оширишда қайта тайёрлаш ва малакани ошириш тизимининг илмий асосларини такомиллаштиришга муҳим омил сифатида қаралмоқда. Европа Кенгашининг (2009) «Ўқитувчилар ва мактаб раҳбарларининг малакасини ошириш бўйича кенгаш хулосалари»да таълим сифати ва методлари, ходимларни руҳлантиришнинг шакл ва услублари, ўқитиш муҳити ва, унга мос равишда, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарини ўқув жараёнида фаол иштирок этишга жалб қилиш ишларининг савияси мактаб директорларининг лидерлик компетенцияларига бевосита боғлиқлиги таъкидланади. Бугунги кунда мазкур вазифаларнинг илмий таъминоти сифатида раҳбар ходимларнинг компетентлигини замон талаблари асосида шакллантириш, раҳбарнинг бошқарув компетентлигининг таълим муассасаси фаолиятига таъсири, мактаб раҳбарларини тайёрлаш, танлаш, лавозимга тайинлаш, фаолиятни баҳолаш ва доимий ривожлантириш каби масалалар бўйича устувор даражада илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида мактаб таълими умуммиллий ҳаракатга айланиб, соҳа ривожини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишда кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, бу борада соҳа педагог ва раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими сифатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Мактаб директорлари ва ўқитувчиларининг малакасини ошириш тизимини танқидий кўриб чиқиш зарур. Бу борада Абдулла Авлоний номидаги институт фаолиятини тубдан қайта ташкил этиш талаб этилади. Мазкур таълим даргоҳи ҳудудлардаги университетлар ва педагогика институтлари билан биргаликда туман халқ таълими бўлими мудирлари ва мактаб директорларининг малакасини ошириш, ўқитишнинг замонавий методикаларини яратиш, масофавий таълим бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратиши керак”<sup>1</sup>. Бу борада мактаб директорларининг бошқарув компетенцияларини ривожлантиришнинг самарали шакл ва методларини жорий этиш, уларни

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. Янги Ўзбекистон, №188 (188), 2020 йил 1 октябрь.

қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарадорлигини ошириш, узлуксиз малака оширишини ташкил этиш ва бошқариш бўйича ишларни натижадорлик мезонлари асосида такомиллаштириш кабил йўналишларда илмий тадқиқотларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чоратadbирлар тўғрисида», 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сон «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора – тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимиз олимлари Ж.Ғ.Йўлдашев, Ҳ.Қ.Йўлдошев, Р.Х.Джураев, С.Т.Турғунов, М.А.Юлдашев, Ж.О.Талипова, Ш.П.Пулатов, Д.М.Маматқулов, М.У.Аҳмедов ва А.Е.Ибраймовларнинг илмий – методик ишларида халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, малака ошириш жараёнларига замонавий ахборот-коммуникацион ҳамда илғор педагогик технологияларни жорий этиш, масофавий таълим имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳамда малака ошириш жараёнларида мониторинг ва таълим сифати менежменти механизмларини жорий этиш каби масалалар ўрганилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги доирасида О.М.Атласова, В.Б.Гаргай, А.А.Хатюшина, Г.Б.Андреева, И.Э.Савенкова, Н.А.Колосова, Е.В.Казакова, Е.Г.Муругова, Е.П.Тонконогая ва Л.Н.Захаровалар томонидан олиб борилган тадқиқот ишларида таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларнинг малакасини ошириш, бошқарув компетентлигини шакллантириш, масофавий таълимнинг педагог кадрларнинг малакасини оширишдаги ролини такомиллаштиришга доир муаммолар тадқиқ қилинган.

Республикаимиз олимлари Ж.О.Толипова, М.Мирсолиева, К.М.Гулямов, Д.С.Хўжамбердиева ва М.А.Инназаровлар томонидан таълим тизими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларига компетенциявий ёндашувни жорий этиш масалалари ўрганилган. Таълим муассасалари раҳбар кадрларининг бошқарув компетентлиги, қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларида уни ривожлантириш ва баҳолаш масалалари МДҲ олимлари И.Д.Чечель, И.Е.Домогацкая, С.Д.Сажина, Н.В.Шестак,

А.С.Родиков, С.В.Селицкая, Т.Н.Пильщикова, Е.А.Сердюк, И.В.Гришиналарнинг ишларида тадқиқ қилинган.

Таълим муассасаларида фаолият юритувчи раҳбар кадрларнинг бошқарув компетентлигини ривожлантириш стратегиялари, уни ривожлантиришга нисбатан инновацион ёндашув, раҳбарнинг ўз салоҳиятини ривожлантириши, мактаб раҳбари компетентлигининг мактаб фаолиятининг натижалари билан боғлиқлиги масалалари хорижлик олимлар Т.Ваш, Ж.Хейстек, Р.Пашардис, С.Браукманн, Л.Митганг, Ж.Гилл, Халлинг, Г.Скотт, В.Аволио, В.Барнетт, М.Брундретт, Е.Голдринг, Р.Линдстром, М.Спекк, М.Йераут, Ж.Степхенсон, А.Троттер, Л.Йеллисон, В.Дэвис, Д.Джексон, Г.О'Махони, Д.Хитт, Р.Тукер, М.Юнг, Н.Şенол, М.Колман, Р.Джаурагас, Р.Болам ва К.Тракшелюс каби олимларнинг илмий изланишларида тадқиқ қилинган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти илмий – тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2016-0910145757 – “Халқ таълими ходимларининг малака ошириш курсларидан кейинги фаолиятларини педагогик қўллаб-қувватлаш технологияларини ишлаб чиқиш” ҳамда ЮНИСЕФнинг “Халқ таълими педагог кадрларининг касбий стандарти ва малака андозаларини ишлаб чиқиш” мавзуларидаги амалий лойиҳалари доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизими мактаб директорлари малакасини оширишни бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

халқ таълими тизими мактаб директорларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълимига нисбатан “узлуксиз таълим” ва “кредит-модул” тушунчаларини қўллашнинг мазмун – моҳиятини очиқ бериш;

мактаб директорларининг компетенциявий ёндашув асосида малакасини оширишнинг мазмун – моҳиятини илмий-педагогик жиҳатдан асослаш;

мактаб директорларининг эҳтиёжларга асосланган самарали малака оширишини ташкил этиш мақсадида, ўқитишнинг кредит-модул тизимида асосланган узлуксиз таълим тизимини жорий этишнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаш;

мактаб директорларининг малакасини ошириш таълими мазмунини шакллантириш механизмининг компетенциявий ёндашув ва малака талаблари асосида такомиллаштириш;

мактаб директорларининг компетенциявий ёндашув, эҳтиёжларга ва кредит – модул тизимида, шунингдек, ўқитишнинг турли (анъанавий, масофавий, аралаш, мактаб негизида ва бошқа) шаклларида асосланган бошқарув компетентлигини узлуксиз ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикаси халқ таълими муассасалари раҳбар ходимларининг малакасини ошириш жараёнлари.

**Тадқиқотнинг предмети** умумтаълим мактаблари директорларининг малакасини оширишни самарали ташкил этиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг методлари.** Тадқиқот жараёнида мавзуга доир илмий – тадқиқот ишларини ўрганиш, қиёсий таҳлил, кузатиш, суҳбат, умумлаштириш, моделлаштириш, анкета сўровномалари, тест, математик – статистик қайта ишлаш ва таҳлил этиш каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

мактаб директорларининг касбий эҳтиёжларини аниқлаш механизми коммуникатив, ўзини – ўзи ривожлантириш (self development) ҳамда бошқарув компетенцияларини ўзини – ўзи баҳолаш (self assesment) ва ташқи (эксперт) баҳолаш орқали такомиллаштирилган;

халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизимини “ҳаёт давомида ўқиш” (lifelong learning) тамойили асосида натижалари жамлаб бориладиган муқобил шакллари асосланган бошқарув компетентлигини узлуксиз ривожлантириш тизимига трансформация қилиш модели ишлаб чиқилган;

мактаб директорларининг эҳтиёжларга асосланган малака оширишини ташкил этиш механизми уларга ўз компетентлиги даражасини диагностика қилиш натижасида аниқланган эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўқув модулларини ва ўқиш муддатларини танлаш асосида индивидуал малака ошириш траекториясини шакллантириш имкониятини яратиб бериш орқали такомиллаштирилган;

малака ошириш таълимини ташкил этиш механизмлари соҳага нодавлат таълим ташкилотлари ва педагогик олий таълим муассасаларини жалб этиш ҳамда кредит балларини аккредитацияланган таълим муассасаларида жамғариш тизимини жорий этиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

мактаб директорларини малакасини оширишни компетенциявий ёндашув асосида амалга оширишнинг ташкилий механизмлари кўрсатиб берилган;

мактаб директорларининг малака оширишга бўлган эҳтиёжларини аниқлашнинг ўзини – ўзи баҳолаш, улар раҳбарлик қилаётган педагогик жамоа фикри ва бошқа турли манбалардан олинган маълумотлар таҳлиliga асосланган механизми ишлаб чиқилган;

мактаб директорларининг эҳтиёжларга асосланган малакасини ошириш курсларини ташкил этиш ва бошқаришнинг ташкилий механизмлари очиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, таҳлил ва тажриба – синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий

этиланлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мактаб директорларининг компетенциявий ёндашув асосида малакасини оширишни ташкил этиш ва уни самарали бошқаришнинг методологик асосларини ҳамда мавзуга оид моделлар, эҳтиёжларга асосланган малака оширишнинг мазмуни, моҳияти, шакллари ва ташкилий механизмларининг такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти халқ таълими тизими раҳбар ходимлари малакасини оширишни ташкил этиш ва бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар ва чоратадбирлар дастурларини тайёрлашда, раҳбар ходимларнинг эҳтиёжларга асосланган узлуксиз ривожлантириш тизимини жорий этишда ҳамда мавзуга оид ўқув адабиётларини тайёрлашда фойдаланиш имконияти билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Халқ таълими тизимида мактаб директорлари малакасини оширишни бошқариш самарадорлигини оширишга оид тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

мактаб директорларининг малака оширишга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш механизми улардаги коммуникатив, ўзини – ўзи ривожлантириш ҳамда бошқарув компетенцияларини ўзини – ўзи баҳолаш ва эксперт баҳолаш орқали такомиллаштиришга доир таклифлардан Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 10 декабрдаги 396-сон буйруғи билан тасдиқланган “Умумтаълим мактабларида таълим сифатини оширишда тизим масъул ходимларининг асосий вазифалари бўйича методик тавсиянома”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (*ХТВнинг 2020 йил 22 октябрдаги 02-02/4-923-сонли маълумотномаси*). Натижада, мактаб директорларининг малака ошириш таълимини ташкил қилиш ва унинг мазмунини шакллантиришнинг эҳтиёжларга асосланган ҳолда ташкил этиш механизми йўлга қўйилган;

мактаб директорларининг натижалари жамлаб бориладиган анъанавий, муаммоли, мақсадли курслар ҳамда малака оширишнинг муқобил шаклларида асосланган бошқарув компетентлигини узлуксиз ривожлантириш моделини жорий этиш бўйича таклифлардан Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 27 апрелдаги 110-сон буйруғи билан тасдиқланган “Халқ таълими ходимларининг онлайн ва офлайн шаклларда масофадан малака оширишини ташкил этиш бўйича муваққат йўриқнома”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (*ХТВнинг 2020 йил 22 октябрдаги 02-02/4-923-сонли маълумотномаси*). Натижада, халқ таълими тизимида раҳбар ва педагог ходимларни масофадан онлайн ва офлайн шаклларда ўқитиш йўлга қўйилган;

мактаб директорлари малакасини ошириш таълими мазмунини шакллантириш механизмини иш берувчининг буюртмалари, ички ва ташқи назорат ҳамда сўровномалар натижалари асосида ўқув модулларини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштиришга доир таклифлардан Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 17 августдаги 188-сон буйруғи билан тасдиқланган

“Олий педагогик маълумотли кадрларни турдош мутахассисликка касбий қайта тайёрлашнинг намунавий йўналишлари” ҳамда “Олий маълумотли нопедагог кадрларни педагогик қайта тайёрлашнинг намунавий йўналишлари”, шунингдек, мазкур йўналишларда педагог кадрларнинг қайта тайёрлаш таълими мазмунини ишлаб чиқишда фойдаланилган (*ХТВнинг 2020 йил 22 октябрдаги 02-02/4-923-сонли маълумотномаси*). Натижада, халқ таълими педагог кадрларини қайта тайёрлашни ташкил этишнинг янги тартиби, 26 та ўқув режа ва 32 та дастурлари ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга жорий этилган;

мактаб директорларининг эҳтиёжларга асосланган малака оширишини ташкил этиш механизмининг ўқитишнинг кредит – модул тизими ҳамда узлуксиз таълим тизимини жорий этиш орқали такомиллаштиришга доир таклифлардан 2020 йил 30 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида ўтказилган “Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги видеоселектр йиғилишининг №86-сонли баёнини тайёрлашда фойдаланилган (*ХТВнинг 2020 йил 4 ноябрдаги 02-1078-сонли маълумотномаси*). Мазкур баёнда халқ таълими ходимларининг малака ошириш тизимини доимий равишда касбий ривожланишни назарда тутувчи узлуксиз малака ошириш тизимига трансформация қилиш мақсадида: 1) педагог ходимларнинг касбий маҳорати ва фаолият самарадорлигини мунтазам ошириб бориш учун зарур шарт – шароитларни яратиш, малака ошириш тизимини “хаёт давомида ўқиш” тамойили асосида такомиллаштириб бориш; 2) илмий – тадқиқот ва таълим хизматларини кўрсатиш бўйича хусусий секторнинг салмоғини кенгайтириш, ҳудудларда нодавлат таълим ташкилотларини ташкил этиш орқали рақобат муҳитини шакллантириш, таълим соҳасида давлат – хусусий шерикликни ривожлантириш ишларини амалга ошириш белгиланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий – назарий ва илмий – амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан педагогика фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан 2 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 138 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг методлари, илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажмига доир маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш: тарих, назария ва бугунги ҳолат”** деб номланган биринчи бобида дунёдаги барча мамлакатларнинг ўзаро алоқалари ва ўзаро боғлиқлиги кенгайиб, чуқурлашиб бораётган бир шароитда, Ўзбекистонда раҳбар ва педагог кадрларнинг малакасини ошириш тизимининг ривожланишини жаҳон таълим маконини ривожлантириш тенденциялари ва жараёнларидан ажралган ҳолда кўриб чиқиш мумкин эмаслиги қайд этилиб, ривожланган мамлакатларда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг моҳияти ва ташкилий шакллари батафсил тўхталиб ўтилган, мамлакатимизда таълим ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг ташкил топиши ва ривожланишининг тарихий-педагогик жиҳатлари, шунингдек, мазкур тизим ривожланишининг бугунги кундаги тенденциялари ёритилган.

Ривожланган мамлакатларнинг аксариятида раҳбар ва педагог ходимларнинг узлуксиз касбий ривожланиши таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий шarti ҳисобланади. Аммо раҳбар ва ўқитувчиларнинг касбий маҳорати нимани англатиши ҳақидаги тушунчалар турли мамлакатларда турлича бўлгани каби, мазкур маҳоратни ривожлантириш механизмлари ҳам турличадир.

Жумладан, АҚШда ўқитувчиларининг малакасини ошириш университетларда, коллежларда, мактабларда ишдан ажралган ва ажралмаган ҳолда узоқ муддатли ва қисқа муддатли курслар шаклида амалга оширилади. Ўқитувчиларнинг касбий ривожланишини бошқариш учун алоҳида автоматлаштирилган бошқарув тизими жорий этилган (Н.А.Хатюшина, A.Brolli, Ch. Knoppe). Натижада мамлакатнинг барча штатларини ягона тизимга боғлаган ва 3 миллион ўқитувчининг ҳар бири ҳақида батафсил маълумотлар тўплайдиган (касбий маҳорат даражаси, қачон ва қайси курсларни тугатганлиги, қандай баҳо олганлиги, мактабдаги ўқувчиларининг ўзлаштириш, ижтимоий ҳолати, оилавий даромади, сеvimли машғулотлари ва бошқалар) тизим жорий этилган. Бундай батафсил маълумотлар ҳар бир ўқитувчига унинг эҳтиёжлари ва мактаб манфаатларини ҳисобга олган ҳолда турли хил курсларни жорий қилишни таклиф этиш имкониятини беради.

Англияда ўқитувчиларнинг малакасини ошириш курслари ҳар доим ҳам институтларда амалга оширилмайди. Бу жараён кўпинча мактабларнинг бирида, буюртмачиларнинг талаблари асосида ташкил қилинади. Майкл Фуллан ўз тадқиқотларида Англия тажрибасини таҳлил қилиб, бутун жамоанинг мактабнинг ўзида, бир вақтда ва биргаликда, малакасини ошириш индивидуал машғулотларга қараганда анча самарали бўлишини таъкидлайди.

TALIS дастури асосида ўтказилган сўровномалар, мамлакатларнинг ярмида ўқитувчиларнинг касбий ривожланишига сарфлайдиган минимал вақт аниқ белгилаб қўйилмаганини кўрсатди.

Бундай талаблар мавжуд бўлган мамлакатларда – Австралия, Австрия, Англия, Белгия, Финляндия, Венгрия, Нидерландия, Шотландия, Швейцария, Швеция, Италия, Литва, Финляндия ва Словения ва АҚШнинг баъзи штатларидаги француз жамоаларида – минимал муддат одатда йилига беш кун. Австрияда ўқитувчи энг камида йилига 15 соат, Швецияда – 104 соат малака ошириши шарт.

Германияда ўқитувчиларни малакасини ошириш ҳар бир федерал штатда мавжуд бўлган институтлар негизида амалга оширилади. Мамлакат таркибидаги округлар малака ошириш жараёнини назорат қилади, машғулотларни тизимли баҳолашни (баҳолаш, акс эттириш) амалга оширади, тингловчиларнинг ўқув семинарларидан қониқишини назорат қилади, ўқитувчилар ва раҳбарларнинг малака оширишга бўлган эҳтиёжларини ўрганади.

Финляндияда ҳар йили иш берувчилар ўқитувчилар учун ўқувларни ташкил этадилар, мактаб раҳбарлари учун ихтисослаштирилган малака ошириш тизими мавжуд эмас. Агар керак бўлса, директорлар муниципалитетлар томонидан ташкил этилган курсларда консалтинг амалиётидан ўтадилар ёки менежмент, ходимларни бошқариш, жамоадаги иқлимни психологик қўллаб – қувватлаш ва замонавий менежментнинг бошқа жиҳатлари бўйича турли семинарларда ўқийдилар.

Сингапурда барча ўқитувчилар ҳар йили мажбурий 100 соатлик узлуксиз малака оширишга жалб қилинади ва бу курслар ўқитувчилар учун бепул йўлга қўйилган. Ўз ишини мавжуд барча талаблар даражасида бажара олмайдиган ўқитувчиларга ёрдамга берилади, бироқ, агар улар ёмон ишлашни давом эттирсалар – ишдан бўшатилади.

Жанубий Кореяда ҳар йили малака ошириш 180 соатдан кўпроқ вақтни ташкил қилади, шундан 10% умумий таълим фанлари учун, 16% педагогикага ва 74% мутахассислик учун ажратилган. Қисқа муддатли малака ошириш курслари камида 60 соатдан иборат бўлади.

Японияда янги тайинланган ёш ўқитувчилар билан бир қаторда 10 йиллик ўқитиш тажрибасига эга ўқитувчилар учун (25 кун давом этадиган) тренинглар ўтказилади. Ўқитувчилар, шунингдек, ўз мактабларида 300 соат ҳажмда малака оширадилар. 2001 йилда ташкил қилинган малака ошириш миллий маркази (NCTD) “Мактаб етакчилари учун менежмент мактаби” ва “Таълимнинг муҳим муаммоларини ҳал қилиш бўйича тренинглар” ўтказди.

Малака ошириш тушунчасининг ўзи ҳам турли мамлакатлар ва турли тадқиқотчилар талқинида турлича тавсифланади. Европада “малака” деганда назарий ва амалий, техник ва касбий билим ва кўникмалар, таҳлил қилиш, ташаббускорлик ва мулоқот қобилиятлари йиғиндиси тушунилади (В.П.Косунова).

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича “малака” – “ходимнинг касбий тайёргарлиги даражаси ва тури, унинг маълум бир ишни бажариш учун зарур бўлган билимлари, кўникмалари ва қобилиятлари” (В.П. Корсунов), айримларининг фикрига кўра малака – “ходимнинг унга педагогик фаолиятда маълум даражада мураккабликдаги меҳнат функцияларини бажаришга имкон берадиган қобилиятларини ривожлантириш даражаси”дир (Э.А. Леванова, Т.В. Пушкарева, М. Л. Субочева).

**Бизнинг фикримизча, “малака” – бу мутахассиснинг ўз касбий тайёргарлиги доирасида ўзлаштирган билим ва кўникмаларини нотаниш вазиятларда қўллаш олиши.**

В.И.Варющенко ва О.В.Гайковаларнинг фикрига кўра, бугунги кунда дунёда ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг янги тизимлари қидирилмоқда, аммо на мазмуни, на ўқув машғулотларининг ташкилий шакллари, на ўқитиш усуллари бўйича ягона нуқтаи – назар мавжуд эмас.

**Хулоса қилиб айтганда, мактаб раҳбарлари ва ўқитувчиларининг малакасини ошириш турли мамлакатларда турлича амалга оширилади. Бироқ, ҳеч бир мамлакатнинг бу соҳадаги тажрибасини мукамал, деб бўлмайди.**

Мамлакатимизда малака ошириш тизимининг ривожланиши тарихи ҳақида тадқиқотларда нисбатан кам маълумотлар келтирилган. Олимларимиз Ж.Ф.Йўлдошев ва Ҳ.Қ.Йўлдошевларнинг, шунингдек МДХ олимларининг (Н.А. Лукина, Э.М. Никитин, П.В. Худоминский) тадқиқотлари асосида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг мамлакатимизда йўлга қўйилиши ва ривожланиши тарихи ҳақида мулоҳазалар юритиш мумкин.

Юртимизда ушбу тизимнинг ривожланишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сон Қарори алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур қарорда малака оширишнинг **тўғридан – тўғри** (таълим дастурлари бўйича ўқитиш) ва **билвосита** (таълим дастурларисиз ўқитиш) шакллари белгиланган.

COVID – 19 пандемияси шароитида халқ таълими ходимларининг малакасини оширишни **online шаклда** ташкил этиш йўлга қўйилди. Ўқитишнинг мазкур шаклида тингловчи ва профессор – ўқитувчилар ўртасидаги ўзаро алоқа реал вақт режимида амалга оширилади.

Биз халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш тизимидаги унинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган асосий қарама – қаршилиқни ажратиб

кўрсатишимиз мумкин: бу ахборотнинг етишмаслиги эмас, балки унинг ҳаддан ташқари кўпайиши оқибатидир.

Бугунги кунда ахборотлар ахборотлар кўлами йилига 2 баробардан кўпайиб, янгиланиб бормоқда. Бундай вазиятда малака ошириш таълими ходимни уч ёки беш йилга етарли бўлган билимларга эга қилиши мумкинми? Албатта йўқ. **Ҳозирги шиддатли ўзгаришлар даврида ўқитувчи ва мактаб директори имкон қадар ҳар йили, ҳар чоракда ва жоиз бўлса ҳар куни малака ошириши лозим. Бошқача қилиб айтганда, халқ таълими ходимларининг узлуксиз малака оширишини йўлга қўйиш лозим.**

Диссертациянинг иккинчи боби “**Халқ таълими муассасалари раҳбар ходимларининг касбий ривожланишини ташкил қилишга замонавий ёндашувлар**”, деб номланган бўлиб, унинг мазмунида халқ таълими муассасалари раҳбар ходимларининг касбий ривожланишини ташкил қилиш, касбий ривожланишга замонавий ёндашувлар, яъни эҳтиёжларга асосланиш, узлуксиз таълим, ўқитишнинг кредит – модул механизми ва халқ таълими муассасалари раҳбар ходимларининг узлуксиз малака оширишини бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича изланишлар натижалари ўз аксини топган.

Таълим муассасасининг муваффақиятли ривожланиши, обрўси ва фаолияти унинг менежменти сифати билан белгиланади. Менежерлар касбий маҳоратининг етишмаслигини ўқувчилар ўқиши учун қулай ва яхши жиҳозланган хоналар ёки ўқувчилар сони ва синфлар (гуруҳлар) сонининг камайиши ёки ушбу муассаса ходимларини моддий рағбатлантириш билан қоплаш мумкин эмас (О.М.Атласова).

Шунинг учун ҳам таълим муассасалари раҳбарларининг касбий компетенцияларини ривожлантириш масалалари катта қизиқиш уйғотмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистонда таълим муассасалари раҳбарларини тайёрлайдиган олий таълим йўналишлари мавжуд эмас. Бу эса таълим тизимидаги маъмурий лавозимларни, одатда, ўқитувчилар эгаллашига сабаб бўлмоқда. Уларни бошқарувга ўқитиш қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида амалга оширилади.

Бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, мактаб раҳбарларининг **63** фоизда замонавий мактабни бошқариш учун зарур бўлган компетенциялар етишмайди.

Биринчи марта “**компетенция**” атамаси америкалик тилшунос олим – Массачусетс университети профессори Ноем Хомский томонидан 1965 йилда илмий фойдаланишга киритилган. У инсоннинг ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш қобилиятини тавсифлаш учун “компетенция” тушунчасидан фойдаланишни таклиф қилди.

“Касбий компетентлик” тушунчасининг замонавий талқинлари таҳлили “мактаб директорининг касбий компетентлигини” раҳбарга бошқарув функцияларини амалга ошириш имконини берадиган билим ва кўникмалардан ташқари, шахсий хусусиятлар (кадриятлари, қобилиятлари, касбий фаолиятга тайёрлиги) ва фойлият бўйича орттирилган тажрибаларни қамраб олган умумлашган касбий ва шахсий хусусият сифатида белгилаш имконини беради.

*Тадқиқотимизнинг натижаларига кўра, биз “умумтаълим мактаби раҳбарининг бошқарув компетенцияси – бу раҳбарнинг давр талабига мос билим, кўникма ва малакаларини мактабни бошқариш амалиётида қўллашга тайёрлиги ва қобилияти”, деб қабул қиламиз.*

Бугунги кунда мактаб директори малака оширишга 3 йилда бир марта жалб қилинади ва 144 соатлик дастурни ажратилган (одатда – 4 ҳафта, яъни - 1 ой) муддат ичида мажбурий тарзда ўзлаштиради. Бунда малака ошириш курсининг ўқув дастури мазмуни тегишли таълим муассасаси томонидан шакллантирилади ва бунда малака оширадиган ходимларнинг истак ва эҳтиёжлари эътиборга олинмайди.

Малака ошириш курсида ўқиган ходимларга “Сиз ўқиган курснинг мазмуни касбий эҳтиёжларингизни қай даражада қондирди?”, деб берилган саволга уларнинг 20% “тўла қондирди”, 20% “қисман қондирди”, 50% “қондирмади” ва 10% “билмадим”, деб жавоб берди.

Ахборотлар ҳажми кундан – кунга ошиб бораётган даврда мактаб директорининг 1 ой малака ошириб, сўнг қарийиб 3 йил (2 йилу 11 ой) давомида ўқувларга жалб қилинмаслиги унинг билим ва кўникмалари савиясининг замон талабларига жавоб беролмай қолишига олиб келмоқда.

Юқорида қайд этилган муаммоларни бартараф этиш учун халқ таълими ходимларининг малака ошириш тизимини даврийликдан узлуксизлик тамойилига, малака ошириш мазмуни масаласида мажбурийликдан эҳтиёжларга асосланган ихтиёрийлик тамойилига ўтказиш заруриятини илгари сурмоқда. “3 йиллик даврийлик асосида 4 ҳафта муддат давомида 144 соат ҳажмда ўтказиладиган малака ошириш курсларини ҳар йили ташкил қилинадиган қисқа муддатли (36-48 соатлик) курслар шаклида ўтказилишига муносабатингиз?”, деб берилган саволга тадқиқотда қатнашган мактаб директорларининг **80 фоизи** ҳар йили қисқа муддатли курслар тарзида малака оширишни маъқуллаб жавоб бердилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мактаб директорларининг узлуксиз таълимини ташкил қилиш ва унинг самарадорлигини таъминлаш учун таълимнинг кредит – модул тизимини жорий этиш таклиф қилинади. Бунда, ҳозирги вақтда белгиланган малака ошириш курси давомийлигини (камида 144 соатни) бузмаган ҳолда мазкур соатлар ҳажмини 3 йилда 1 марта ўтказиладиган курсда эмас, балки ҳар йили ташкил қилинадиган анъанавий, муаммоли, мақсадли курслар ҳамда малака оширишнинг бошқа муқобил шакллари асосланган ўқувларда мутаносиб равишда йиғиб бориладиган соатлар тарзида қоплаш имконияти кўзда тутилади.

Малака оширишни кредит – модул тизими асосида ташкил этиш бўйича юқорида келтирилган механизм (алгоритм)ни муайян муддатда (масалан 3 йил ёки ҳар йили) касбий ривожланишни ташкил этиш учун қўллаш мумкин. Дунёнинг аксарият мамлакатларида мазкур муддат 1 (бир) йил этиб белгиланган.

**Мактаб директорларининг эҳтиёжлар ва ўқитишнинг кредит – модуль тизимига асосланган узлуксиз ривожланиш модели**

**Тамойиллар:** 1. Малака ошириш даврийлиги – *ҳар йили*; 2. Барча манфаатдор томонларнинг *эҳтиёжлари асосида*; 3. Малака ошириш мазмуни – *компетенциявий ёндашув* асосида шакллантирилади; 4. Белгиланган *йиллик кредитлар миқдорини жамлаш – шарт*.



**1-расм. Мактаб директорлари малакасини оширишнинг ташкилий модели**

Шунинг учун ҳам, мактаб директорларининг уч йилда бир мартаба малака ошириш даврийлигига асосланган тизимини натижалари жамлаб бориладиган анъанавий, муаммоли, мақсадли курслар ҳамда муқобил шаклларига асосланган бошқарув компетентлигини узлуксиз ривожлантириш тизимига трансформация қилиш модели (1-расм) таклиф қилинди.

Ўзбекистон республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сонли қарорида мактаб директорларини таълим соҳаси менежерлари сифатида тайёрлаш вазифаси белгиланган.

“Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълимининг мазмуни ҳамда сифатига қўйиладиган давлат талаблари”да (бундан кейин – Давлат талаблари) раҳбар ходимларнинг, хусусан мактаб директорларининг қуйидаги компетенциялари белгиланган:

1) Бошқарув компетенцияси; 2) Молиявий-иқтисодий компетенция; 3) Коммуникатив компетенция; 4) АКТ ва медиа саводхонлик компетенцияси; 5) Ўзини – ўзи ривожлантириш, ўз устида ишлаш компетенцияси; 6) Масъулият ва мослашувчанлик компетенцияси; 7) Инклюзив таълимни жорий этиш компетенцияси; 8) Ҳуқуқий компетенция.

Қайта тайёрлаш таълими мазкур компетенцияларни шаклланишига, малака ошириш таълими эса уларни ривожланишига хизмат қилиши лозим.

Таълим муассасалари раҳбарлари ҳар доим ҳам ўзларининг касбий ривожланишга бўлган эҳтиёжларини тўла ҳажмда англай олмасликлари, баъзан эса таълим мазмунини ўзлари яхши билган масалалар бўйича ташкил қилинишини афзал кўришлари маълум бўлди. Е.П.Тонконогая раҳбарлиги остида ўтказилган тадқиқотларда мактаб раҳбарларининг **43** фоизга яқини мустақил таълим учун ўзларига энг яхши таниш бўлган мавзуларни танлашлари қайд этилди.

Мазкур ҳолат мактаб директорларининг ривожланишга бўлган эҳтиёжларини ўзлари томонидан белгилашлари билан бир қаторда улар раҳбарлигидаги жамоа вакиллари (экспертлар) томонидан ҳам белгилаш ғояини илгари сурилишига сабаб бўлди. Ана шу мақсадда мактаб директорларининг *коммуникатив, ўзини – ўзи ривожлантириш ва бошқарув компетенциялари* бўйича эҳтиёжлари уларга ва уларнинг фаолиятини баҳолаш учун жамоадан тасодифий тарзда танлаб олинган ўқитувчилар иборат экспертларга тақдим этилган саволнома орқали аниқланди. Саволномага директор ва унинг жамоаси томонидан берилган жавоблар ҳар хил бўлиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда ундаги ҳар бир бандга 2 тадан тест саволлари мос қўйилган баҳолаш тести ўтказилди. Тест синовининг ўтказишдан мақсад – сўровномани тўлдиришда иштирок этган директорларнинг тегишли компетенция бўйича қай даражада билимлари борлигини аниқлашдан иборатдир.

Мазкур ўрганишлар натижасида иккита ўқув – мавзу режа лойиҳаси тайёрланди. Ушбу ўқув – мавзу режаларнинг биринчиси мактаб раҳбарининг ўзидан олинган сўровнома натижалари асосида шакллантирилди, иккинчиси эса у билан бевосита боғлиқ бўлган педагогик жамоанинг саволномага берган жавобларини ҳам ҳисобга олган ҳолда тузилди. Мазкур ўқув – мавзу режалар мактаб директорларига тақдим этилганда, уларнинг аксарияти ўқув – мавзу режаларнинг жамоа иштирокида шакллантирилганини маъқуллади.

**Мазкур тадқиқот натижалари мактаб директорларининг малака оширишга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш механизмини улардаги коммуникатив, ўзини – ўзи ривожлантириш ҳамда бошқарув компетенцияларини ўзини – ўзи баҳолаш ва эксперт баҳолаш орқали такомиллаштириш мумкинлигини кўрсатди.**

Мактаб директорларининг ўқитишнинг кредит – модул тизимиغا асосланган узлуксиз ривожлантириш модели малака ошириш таълими мазмунини алоҳида ўқув модуллари шаклида тақдим этишни назарда тутди. Мазкур таълим мазмунини шакллантиришда мактаб директорларининг шахсий эҳтиёжларини эътиборга олиш зарур, бироқ бунинг ўзи етарли бўлмайди. Малака ошириш таълими мазмунини мувафақиятли тарзда шакллантириш учун бошқа манфаатдор томонларнинг, жумладан иш берувчининг буюртмаларини, ўқитувчиларнинг директор фаолиятига берган баҳоларини, назорат қилувчи органларнинг тақдимномаларини ва мактаб кузатув кенгашининг тавсияларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Айнан ана шу манфаатдор томонлар мактаб ва унинг директори фаолиятини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш натижасида унинг ўрганиши лозим бўлган соҳа, йўналиш, муаммо ва мавзулар бўйича ўз таклифларини тақдим этадилар. Мазкур таклифларнинг ҳар бири алоҳида ёки бир-нечта ўқув модули шаклида тайёрланиши мумкин. Бунда ҳар бир ўқув модули унинг номи, қайси компетенциялар ва индикаторларни ривожлантиришга мўлжаллангани, тақдим этадиган кредит баллари ва соатлари миқдори кўрсатилган эга бўлади. Шундай қилиб, тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, **мактаб директорларининг малака ошириш таълими мазмунини шакллантириш механизмини иш берувчининг буюртмалари, ўқитувчиларининг директор фаолиятига берган баҳолари, назорат қилувчи органларнинг тақдимномалари ва мактаб кузатув кенгашининг тавсияларини таҳлил қилиш асосида ўқув модулларини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштириш таклиф қилинди.**

Юқорида мактаб директорларининг малака ошириш курсидан сўнг шахсий эҳтиёжлари қанчалик қондирилгани ҳақидаги саволга уларнинг 70% эҳтиёжларининг эътиборга олинмагани ҳақида маълум қилганлар.

Тадқиқотларимиз натижасида мактаб директорларининг эҳтиёжларини ўзлари томонидан диагностика қилиш учун компетенциявий ёндашув асосида саволнома ва тестлар ишлаб чиқилгани, мактаб директорларининг малака ошириш таълими мазмунини шакллантириш механизми уларнинг шахсий эҳтиёжларидан ташқари иш берувчининг буюртмалари, ўқитувчиларининг

директор фаолиятига берган баҳолари, назорат қилувчи органларнинг тақдимномалари ва мактаб кузатув кенгашининг тавсиялари асосида ўқув модулларини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилгани, шунингдек, уч йиллик даврийликка асосланган малака ошириш тизимини натижалари жамлаб бориладиган анъанавий, муаммоли, мақсадли курслар ҳамда муқобил шаклларига асосланган бошқарув компетентлигини узлуксиз ривожлантириш тизимига трансформация қилиш модели ишлаб чиқилгани ҳақида юқорида маълум қилинган эди. Навбатдаги вазифа – мактаб директорининг эҳтиёжларга ва ўқитишнинг кредит – модул тизимига асосланган узлуксиз таълим олишини технологик жараён сифатида ташкил қилиш механизмини асослаб беришдан иборат.

Маълумки, мактаб директорларининг сони қанча бўлса, уларнинг эҳтиёжлари ҳам шунча, яъни турлича бўлиши мумкин. Мазкур эҳтиёжларни тўла қондириш мақсадида ташкил қилинадиган малака ошириш таълими мактаб директорларига ўқув модулларини танлаш ва уларни маълум бир тартибда ўзлаштириш имкониятини беришни назарда тутди. Ушбу имкониятни таъминлаш учун қуйидаги технологияни амалга ошириш керак бўлади.

1. Мактаб директорининг эҳтиёжларини диагностика қилиш.

2. Диагностика натижаларига кўра унга зарур ўқув модулларини тавсия этиш.

3. Мактаб директори томонидан унга тавсия қилинган ўқув модулларидан ёки ўз истагига кўра бошқа ўқув модулларидан бири ёки бир-нечтасини танлаш асосида ўзининг индивидуал малака ошириш траекториясини (ўқув режасини) шакллантириб олиш.


4. Мазкур индивидуал малака ошириш траекторияси бўйича ўқишни ташкил этиш ва мазкур фаолиятни мониторинг қилиш.

Юқорида баён этилган эҳтиёжларга ва модул-кредит тизимига асосланган узлуксиз малака ошириш шахсий (индивидуаль) ривожланиш графиги(траекторияси)га биноан ташкил этилгани сабабли уни фақат ахборот-коммуникация технологиялари воситасида самарали бошқариш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам ***“Узлуксиз касбий таълим” махсус электрон платформасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш таклиф қилинади.***

“Узлуксиз касбий таълим” электрон платформаси (бундан кейин матн давомида – Электрон платформа, деб юритилади) ўз таркибига 8 та маълумотлар базасини (МБ), турли функцияларни бажарилишини таъминлайдиган 10 дастурий тизим (ДТ) ва электрон платформани бошқариш тизимини (БТ) қамраб олган (2-расм).

Мазкур электрон платформанинг жорий этилиши ходимларнинг узлуксиз таълимини ташкил қилиш, йил давомида унинг мониторингини амалга ошириш ва натижаларни баҳолаш ишларини автоматлаштирилган тарзда йўлга қўйиш имкониятини беради.

**“Узлуксиз касбий таълим”** махсус электрон платформасини ишлаб чиқилиши мактаб директорларининг эҳтиёжларга асосланган малака оширишини ташкил этиш механизмини уларга ўз компетентлиги даражасини диагностика қилиш натижасида аниқланган эҳтиёжларидан келиб чиқиб ўқув модулларини ва ўқиш муддатларини танлаш асосида индивидуал малака ошириш траекториясини шакллантириш имкониятини тақдим этиш орқали такомиллаштирилишини таъминлади.



2-расм. “Узлуксиз касбий таълим” электрон платформаси ташкилий тузилмаси

Диссертациянинг **“Халқ таълими муассасалари раҳбар ходимларининг узлуксиз касбий ривожланиш тизимини бошқаришнинг янги моделини жорий этиш”** деб номланган учинчи боби халқ таълими муассасалари раҳбар ходимларининг узлуксиз касбий ривожланиш тизимини

бошқаришнинг янги моделини жорий этиш, тажриба – синовдан ўтказиш ва тажриба-синов натижаларини таҳлил қилишга бағишланган.

Тадақиқотларимиз жараёнида ишлаб чиқилган раҳбар ходимларнинг узлуксиз малака оширишининг компетенциявий ёндашувга асосланган моделини самарадорлигини ўрганиш бўйича тажриба – синов ишларини қуйидагича ташкил қилинди.

Мактаб директорларининг таклиф этилган модель бўйича малака ошириши 8 та компетенция бўйича ташкил қилинсада, лекин ўзгаришлар динамикаси юқорида қайд этилган 3 та компетенция (*Коммуникатив компетенция; Ўзини – ўзи ривожлантириш компетенцияси; Бошқарув компетенцияси*) бўйича мониторинг қилинди. Ушбу компетенцияларни танлаб олинишига сабаб – улар бўйича ўзгаришларни мактаб директорининг ўзи ҳам, унинг жамоасидагилар ҳам баҳолай оладилар. Шунингдек, мазкур компетенциялар бўйича директорларнинг малака ошириш курсларидан олдин ва курслар тугаллангандан кейинги баҳолашни тест синовлари орқали ҳам амалга ошириш имкониятидан фойдаланилди.

Тажриба-синов ишлари 2 та йўналишда ташкил этилди:

